

Ислом шариати ила ҳукм юритиш



19:00 / 15 октябрь 110

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

وَأَحْذَرَهُمْ أَهْوَاءَهُمْ تَتَّبِعَ وَلَا اللَّهُ أَنْزَلَ بِمَا بَيْنَهُمْ أَحْكَمُ وَأَنْ

يُرِيدُ أَنَّهُمَا فَاعْلَمَ تَوَلَّوْا فَإِنَّ إِلَيْكَ اللَّهُ أَنْزَلَ مَا بَعْضُ عَنْ يَفْتِنُوكَ أَنْ

لَفَسِقُونَ النَّاسِ مِنْ كَثِيرًا وَإِنَّ ذُنُوبَهُمْ بِبَعْضٍ يُصِيبُهُمْ أَنْ اللَّهُ ٤٩

«Улар орасида Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юрит. Уларнинг ҳавойи нафсларига эргашма ва улар сени Аллоҳ сенга нозил қилган нарсада фитнага солишларидан ҳазир бўл. Агар юз ўгирсалар, билки, Аллоҳ уларни баъзи гуноҳлари туфайли мусибатга солишни истайдир. Албатта, одамлардан кўплари фосиқлардир» (Моида сураси, 49-оят).

Ўтган оятда Аллоҳ таоло Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни одамларнинг хоҳишларига эргашиб, шариат ҳукмини тарк этишдан қайтарган эди. Бу ояти каримада эса одамлар орасида Аллоҳ таоло нозил этган нарса – Ислом шариати ила ҳукм юритиш зарурлигини яна бир бор таъкидлаяпти. Сўнгра аввалгидан кўра дақиқроқ ишдан ҳам қайтариб:

«Уларнинг ҳавойи нафсларига эргашма ва улар сени Аллоҳ сенга нозил қилган нарсада фитнага солишларидан ҳазир бўл», – демоқда.

Бу «Одамлар шариат ҳукмини юритишда баъзи жузъий камчиликлар бўлишини таклиф қилсалар ҳам, қабул этма», деганидир.

Номаъқул одамлар шариатга умуман амал қилмаслик ҳақида таклифлар киритадилар, бу қабул бўлмаса, кичикроқ ўзгартириш киритишни таклиф этадилар. Табиийки, бу ҳам қабул бўлмайди. Шунда Аллоҳ инсоф берганлари ўзига келиб, ҳақиқатга таслим бўлади. Мусулмон бўлиб ҳаёт кечиришни бошлайди. Инсофга келмаганлари эса юз ўгириб кетади. Бунини деб баҳолаш керак? Ислом даъватининг муваффақиятсизлигимиз ёки бошқа нарсами? У пайтда даъватчи нима қилиши керак? Аллоҳнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга қилган хитоби ушбу саволларга жавоб бўлади:

«Агар юз ўгирсалар, билки, Аллоҳ уларни баъзи гуноҳлари туфайли мусибатга солишни истайдир».

Демак, ким юз ўгирса, ўзига зарар. Ўзи мусибатга учрайди. Аллоҳнинг шариатидан юз ўгиргани учун бу дунёда бошига турли-туман, эҳтимол, кўпчиликнинг кўзига кўринмайдиган, ақли идрок этолмайдиган мусибатларга тушади. У дунёда эса ҳақиқий ва чексиз мусибатларга дучор бўлиши турган гап. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг меросхўрлари бўлмиш Ислом даъватчилари эса ҳаммани рози қиламан, деб уриниб, уларнинг хоҳишига қараб иш тутишни хаёлларига ҳам келтирмасликлари керак. Чунки:

«Албатта, одамлардан кўплари фосиқлардир».

«Фосиқ» дегани «дин чегарасидан чиқувчи», «бошқа томонга бурилиб кетувчи» деганидир. Мусулмонман, деб, ҳатто тақводорликни даъво қилиб юрган кўпларга назар солинса, ўзининг шахсий манфаати йўлида шариат ҳукмларига риоя қилмай қўйишлари кўрилади. Улар турли таклиф-мулоҳазалар ҳам киритиб турадилар. Бу таклиф ва мулоҳазалар ортида ҳам аслида ўзларининг шахсий манфаатлари ётади. Аммо уларнинг бу ҳолларининг Исломга дахли йўқ. Ислом даъватига кирган шахслар бу ҳақиқатни ҳеч унутмасликлари лозим.

Одамлар икки йўлдан бирини танлашлари керак:

يُوقِنُونَ لِقَوْمٍ حُكْمًا اللَّهُ مِنْ أَحْسَنُ وَمَنْ يَبْغُونَ الْجَاهِلِيَّةَ أَفْحُكْمَ



«Жоҳилият ҳукмини истайдиларми?! Аниқ ишонадиган қавмлар учун Аллоҳдан кўра ҳукми яхшироқ ким бор?!» (Моида сураси, 50-оят).

Жоҳилият маълум бир жойга ёки даврга ёки қавмга хос нарса эмас. Исломдан олдинги Арабистон ярим оролида мавжуд бўлган жоҳилият эса кўплаб жоҳилиятлардан бири, холос. Қиёматгача боқий диннинг қиёматгача муҳофаза қилинадиган, ҳукми ҳамма жойга, ҳамма вақтга ва ҳамма одамларга жорий бўлган Китоби – Қуръони Каримнинг ушбу оятида Аллоҳ таоло Ўзининг ҳукмидан бошқа ҳукми истаётган бандаларнинг қилмишларини инкор этиб:

«Жоҳилият ҳукмини истайдиларми?!» – демоқда.

«Аниқ ишонадиган қавмлар учун Аллоҳдан кўра ҳукми яхшироқ ким бор?!»

Ҳеч ким йўқ. Аллоҳнинг ҳукми ила банданинг ҳукми орасида Аллоҳ билан бандасичалик фарқ бор. Инсон ҳавойи нафсига қараб хоҳ шахсий, хоҳ

фирқавий ёки хоҳ жамоатчилик орқали ҳукм тузган бўлса ҳам, ҳаммаси ожиз банданинг ожиз ақли чегарасидан чиқиб кета олмайди. Энг муҳими – бандалар устидан ҳукм чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ким, одамлар менинг ёки бизнинг ҳукмимиз бўйича яшамоғи лозим, деса, Аллоҳнинг ҳокимлик сифатига шериклик даъвосини қилган бўлади. Қўпол қилиб айтганда, одамлар менга намоз ўқисин, деган билан баробар бўлади.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди